



Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёев 1 апрель куни жорий йилнинг январь ойида ўтган олий даражадаги учрашувдаги келишувлар доирасида мамлакатимизга келган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши аъзоси, жамоат хавфсизлиги вазири Ван Сяохун бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Президентнинг «Халқаро тараққиёт уюшмаси иштирокида «Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ўзбекистон билан Халқаро тараққиёт уюшмаси ўртасида имзоланган моляриштириш битими доирасида «Ўзбекистонда барқарор ўрмон ландшафтларини тиклаш» лойиҳасини амалга ошириш учун 5 йиллик имтиёзли давр билан 30 йил муддатга жами 142 миллион АҚШ доллари миқдорига қарз маблағлари ажратилади. Progreen траст жамғармаси ҳамда Корея Республикасининг KWPF жамғармаси ўртасида тузилган грант битимлари доирасида жами 11 млн. АҚШ доллари миқдорига грантлар жалб этилади.

Лойиҳанинг умумий қиймати 205,45 млн. АҚШ доллари, шу жумладан, лойиҳала УЎзбекистоннинг улushi 52,45 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Президент «Ислом тараққиёт банки иштирокида «Қишлоқ жойларни комплекс ривожлантириш» (2-босқич) лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади.

Унга мувофиқ, Ислом тараққиёт банкдан 20 йил муддатга 260 миллион долларлик имтиёзли қарз жалб қилинмоқда. Қарз маблағлари хисобидан 2024-2028 йилларда Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларининг 21 та туманида қишлоқлар инфра-тузилмаси яхшиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш тартибини таъминлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни қабул қилди.

Хужжат билан Давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талабларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш тартиби тўғрисидаги низоом тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Атмосфера хавосига транспорт воситаларининг салбий таъсирини камайтириш буйича қарор қабул қилди.

Унга мувофиқ, 2024 йил 1 июндан бошлаб барча тоифадаги автомобил транспорт воситаларидан ифлослантирувчи моддалар ташламаларининг атмосфера хавосига зарарли таъсири буйича йўл қўйилмаган нормативларга мослигини назорат қилиш буйича «Экологик транспорт» тизими босқич-ма-босқич жорий этилади.

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази UNICEF билан биргаликда Ўзбекистонда болаларнинг монетар камбағаллиги даражасини баҳолади. Тадқиқотда ижтимоий ҳимоя тизимининг камбағаллик даражасига таъсири таҳлил қилинди.

Ўзбекистонда уч йил ичида болалар камбағаллиги 7,8 фоиз пунктга тушган. Натижаларга кўра, болалар камбағаллиги даражаси 2021 йилдаги 21,5 фоиздан 2023 йилда 13,7 фоизгача камайган.

Қишлоқ жойларда болаларнинг камбағаллик даражаси 24,6 фоиздан 14,5 фоизгача, шаҳарларда эса 18 фоиздан 13 фоизгача пасайган.

Yurt taraqqiyoti yo'lidа birlashaylik!

Ishonch

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ҳамалнинг ҳар кунни амал



СУРАТДА: Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги Филон қишлоғи манзараси

Аҳмад ТўРА олан сурат



«Ўзгидромет» хабарига кўра, **2-3 апрель кунлари** юртимиз худудига Каспий денгизининг жанубий худудларидан нам хаво кириб келади. 2 апрелда Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида ва куннинг иккинчи ярмида Самарқанд, Жиззах вилоятларида, 3 апрелда Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятларида ва Фарғона водийси вилоятларида баъзи жойларда ёмғир ёғиши, момақалди роқ бўлиши мумкин.

2-3 апрель кунлари хаво ҳарорати **+15...+20** даража атрофида бўлади. 4-5 апрелда Ўзбекистон бўйича ёгингарчилик кутилмайди, ҳарорат **+18...+23** даражагача, баъзи жойларда **+25 даражагача** кўтарилади. Кечалари ҳарорат асосан **+5...+10** даража бўлади.

Тогли худудларда 2-4 апрель кунлари вақти-вақти билан ёгингарчилик (ёмғир, баланд тоғларда қор) ёғади, қор қўчиши хавфи сақланиб туради. Пойтахтда 1-2 ва 4-5 апрель кунлари ёгингарчилик кутилмайди. 3 апрелда ёмғир ёғиши, момақалди роқ бўлиши мумкин.

1-3 апрелда ҳарорат **+16...+19** даража, 4-5 апрелда **+19...+22** даража, кечалари асосан **+5...+10** даража бўлади.



Фарғона вилояти

Фаолият

Меҳнат қадрланган жойда...

Олтириқ тумани ихтисослаштирилган мактаб жамоаси ғайрат-шижоатли ёшлардан иборат. Бугун бу ерда 60 нафар ўқитувчи 300 нафарга яқин ўқувчига сабоқ бериб келмоқда. Утган ўқув йилида мактабни битирган ўқувчиларнинг 86 фоизи олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилингани кўп нарсани аниглади, албатта. Бу йилги мақсад эса бу кўрсаткични 100 фоизга етказишдир.

Бу ютуқларни ўқувчиларга барча шароитлар яратилгани билан изохлаш мумкин.

Таълим муассасасида бўлиб ўтган иш берувчи ва ходимлар ўртасида тузилган жамоа шартномасининг 2023 йил якуни ва жамоа шартномасининг белгиланган бандларининг бажарилиши буйича йўллама орқали сўлим сиҳаттоҳларда саломатлигини мустаҳкамлаб келишди.

Олдига катта мақсадларни қўйган мактаб жамоаси, муассаса нуфузини янада ошириш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Мухими, уларнинг меҳнатини қадрлайдиган иш берувчи ва жонқуяр қасабақўм бор.

Муассархон ФАЙЗИМТОВА, Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Олтириқ тумани кенгаши раиси

уюшма қўмитаси уни ўз ҳолига ташлаб қўймади. Керакли ёрдамни кўрсатиб, унга далда бўлди. Ишда ўрнак бўлиб келаётган шижоатли ўқитувчилардан Мухаббат Тожибоева ва Ҳакимахон Аюпова қасаба уюшмалари томонидан берилган имтиёзли йўллама орқали сўлим сиҳаттоҳларда саломатлигини мустаҳкамлаб келишди.

Олдига катта мақсадларни қўйган мактаб жамоаси, муассаса нуфузини янада ошириш учун астойдил меҳнат қилмоқда. Мухими, уларнинг меҳнатини қадрлайдиган иш берувчи ва жонқуяр қасабақўм бор.

Муассархон ФАЙЗИМТОВА, Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Олтириқ тумани кенгаши раиси



МАЙДОНДА АЛОҚАЧИЛАР

Шу йилнинг 26-29 март кунлари Рақамли технологиялар вазирлиги ҳамда Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган мини-футбол буйича мусобақанинг республика босқичи бўлиб ўтди.

Унда Рақамли технологиялар вазирлиги таркибига кирувчи компания, корхона, ташкилот ва муассасалар ходимларидан тузилган 16 та жамоа иштирок этди.

Муросасиз тарзда кечган мусобақада «Uztelekom» тизими жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди ҳамда бош соврин – Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгашининг «Қўчма кубоги»га эга бўлди.

Иккинчи ўрин Тошкент ахборот технологиялари университети, учинчи ўрин эса Андижон вилояти ҳамда «Uzmobile» филиали жамоаларига насиб этди.

Шунингдек, «Энг ҳужумкор», «Энг шижоатли», «Энг интизомли» каби номинациялар ғолиблари ҳам тақдирландилар.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА «ISHONCH»

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли

12 11

«Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли худудларида, олис ва ченка қишлоқларида яшайётган хотин-қизлар ўз муаммолари буйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



ИЖРО УЧУН БАРЧА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ МАСЪУЛ

«Ishonch» газетасининг 2024 йил 5 мартдаги 30-сонидан чоп этилган «Ҳар бир мурожаат ортида инсон дарди бор...» сарлавҳали мақолада «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарининг 2023 йилдаги мурожаатларини эътиборсиз қолдирган давлат идоралари ва ташкилотларининг рўйхати эълон қилинган эди.

Шундан сўнг унда келтирилган ҳолатлар юзасидан давлат идоралари ва ташкилотларидан жавоб хатлари келмоқда.

Хусусан, «Ishonch» газетасининг 2023 йил 10 январдаги сонидан эълон қилинган «Фармон ижроси қачон таъ-

«Ishonch»га жавоб берадилар

минланади?» сарлавҳали мақола Спорт вазирлигига йўналтирилган. Унга вазирлик томонидан қуйидаги мазмунда жавоб келди:

Президентнинг 2020 йил 30 октябрдаги ПФ-6099-фармонида мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотларида ижрочиларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалари ҳисобидан меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган ходимга «Спорт тарғиботчиси» қўшимча вазифасини юклаш ва уларнинг базавий лавозим маошига қўшимча 20 фоиз миқдорда устамалар белгилаш масъул ижрочилар сифатида давлат органлари ва ташкилотлари кўрсатилган.

Мазкур ҳужжатда белгиланган топшириқ ижроси барча давлат органлари ва ташкилотларига тегишли эканлиги тўғрисида маълум қиламиз.

Спорт вазири ўринбосари

Ш.МАҲМУДОВ





ЗАРУР ТУШУНЧАЛАРГА ЭГА БЎЛИШДИ

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Тошкент вилояти кенгашида «Миллат тақдирига масъул авлод-миз» мавзусида «Маънавият соати» тадбири ҳамда «Касаба уюшма бюджетли маблағларини шакллантириш, мақсадли сарфлаш ва ҳисоботини юритиш» мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

Унда Тошкент вилояти Адлия бошқармаси, Нурафшон шаҳар давлат солиқ инспекцияси мутахассислари, кенгаш таркибидagi барча тармоқ касабаси уюшмалари вакиллари, ҳудудлардаги бошланғич ташкилот касабаси уюшмалари ҳисобчилари иштирок этди.

Маънавият соатида Тошкент вилояти кенгаши раиси Сайёра Файзиёва Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси ташаббуси билан чоп этилган «Ватан» журналі ҳақида фикр билдирди. Йиғилганларга журнал саҳифаларидан ўрин олган ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий аҳамиятга эга туркум мақолаларнинг моҳияти, шунингдек, ватанпарварлик, шукроналик, инсонийлик каби мавзуларда маъруза қилди. Тадбирда «Маърифат» тарғиботи жамияти аъзоси, журналист Отабек Исроиловнинг ватанпарварлик мавзусидаги маърузаси тингланди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида Адлия бошқармаси ҳамда Нурафшон шаҳар Давлат солиқ инспекцияси мутахассислари томонидан нодавлат ношижорат ташкилотларида Адлия органига тақдим қилинадиган ҳисоботларни тузиш ва топшириш тартиби, касабаси уюшма ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари солиқлар, уларни тўлаш ҳамда ҳисоботларни тузиш каби мавзуларда иштирокчиларга батафсил тушунчалар берилди.

Мен Паркент туманидаги Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмасида ҳисобчи бўлиб ишлайман, - дейди семинар иштирокчиси Ўктам Нуриддинов. - Бугунги семинарда Адлия бўлимларига топшириладиган ҳисоботларни тўлдириб, нодавлат ношижорат ташкилотлари билан ишлаш, шунингдек, солиқлардаги касабаси уюшмаларига оид бир қатор имкониятлар тўғрисида зарур тушунчаларга эга бўлдим.

Семинарда сўзга чиққанлар ва ҳисобчи, мутахассислар ўртасида савол-жавоблар бўлиб ўтди. Тадбир якунида тизимдаги самарали фаолияти учун бир гуруҳ тармоқ касабаси уюшма кенгаши раислари ҳамда ҳисобчилари ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА «ISHONCH»

Самарқанд вилояти



Бугунги кунда Кониғилнинг шухрати оламга янада кенг ёйилишига ҳисса қўшаётган кишилар кўп. Улардан бири узоқ йиллар бошланғич касабаси уюшмаси ташкилотини бошқарган Зариф Мухторовдир. Гарчи деярли чорак асрдан буён тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётган бўлса-да, у ўзини йирик ишбилармон ҳисобламайди. Лекин бошқалар унинг омилкор инсонлигини, ҳатто ҳалол ва камтарона меҳнатлари билан хориғликларга ҳам танилганини эътироф этишади.

Зариф Мухторов асосий диққат-эътиборни аждодларимиздан мерос бўлиб қолган анъаналаримизни улуғлашга қаратади. Шу ниятда аллазамонлар Сиеб анҳори бўйидаги мажнунтоллар тағида ўтириб, хаёлан тузган режаларини амалда рўёбга чиқарди. Қадимий қўлэмаларни варақлаб, Самарқандда таркиби кимёвий унсурлардан ҳоли қоғозлар тайёрлашнинг анъанавий усулларини ўрганди. Сунгра дарё ўзанига усуналар ўрнатиб, дадил ишга киришди. Ўзи очган хунармандлик корхонасига «Кониғил мерос» номини берди.

Самарқанд қоғозлари хомашёси оддий тут новдаларидир, - дейди Зариф Мухторов. - Уларнинг шилиб олинган пўстлоғи ивителиб, ишлов берилди. Тўғри, кимёвий моддалар воситасида тозаланмагани сабабли қоғозларимиз биров сарғимтил тусга эга бўлади, аммо сифат жиҳатидан ўта пишиқ-пухта. Ҳозир энг сифатли

Дарвоқе, Кониғил «туризм кишлоғи» мақомига

Фарғона вилояти

ҲАР БИР ХОДИМ ЭЪТИБОРДА

«Farg'onaazot» АЖ меҳнат жамоасининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда жамоа шартномасининг 2023 йилда бажарилиши, амалдаги жамоа шартномасига қўшимча ва ўзгартиришлар кириштига доир лойиҳалар кўриб чиқилди.

Даставвал жамоа шартномасининг 2023 йилда бажарилиши юзасидан бошқарув раиси Дилшоджон Маннонов ва касабаси уюшма қўмитаси раиси Илҳомжон Абдувоҳидовнинг ҳисоботлари тингланди.

Таъкидланганидек, 2023 йилда жамоа шартномаси орқали ҳар бир ходим олган даромад миқдори 48 миллион 177 минг сўмни ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилгига нисбатан 5 миллион 823 минг сўм кўпдир.

Ишчи-ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзолари саломатлигини тиклаш учун касабаси уюшма аъзолиги бадали ҳисобидан 109 нафар, ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 64 нафар ишчи-ходимга сиаҳатгоҳларга йўланмалар ажратилди. Жамоа шартномасига мувофиқ уларнинг 4 нафарига бепул йўланма тақдим этилди.

Моддий ёрдамлар учун 962 миллион 189 минг сўм, меҳнатни муҳофаза қилиш йўналишидаги ишларга эса 4 миллиард 608 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш корхона ҳисобидан амалга оширилди. Агар корхонада 6 минг 158 нафар ходим меҳнат қилишини инobatга олсак, ҳар бир ходимнинг хавфсизлигини таъминлаш учун 748 минг сўмдан сарфлангани кўриш мумкин.

Ходимларни тез-тез саёҳатларга олиб



Қашқадарё вилояти

ИШ УНУМИНИНГ БОИСИ

Республика тез тиббий ёрдам маркази Қашқадарё вилояти филиалида касабаси уюшма қўмитаси тузилганига қарийб бир йил бўлди. Илғари касабаси уюшма фаолияти Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси вилоят кенгаши неғизда эди. Энди алоҳида ажралиб чиқди. Табиийки, янги юридик ташкилотда жамоа шартномаси ҳам жорий этилди.

Яқинда филиалда мазкур жамоа шартномаси бандларининг 2023 йилдаги бажарилиши муҳокама қилинди. Фаолиятга назар ташланди.

Дастлаб иш берувчи томонидан бош ҳисобчи ўринбосари Алишер Шамсиев ҳисобот берди. Таъкидландики, ходимларга қулай меҳнат шaroитлари яратиш, уларни тиббий кўрикдан ўтказиш, ташкилотнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, биноларни таъмирлаш, илғор хизматчиларни рағбатлантириш, устамаларни ўз вақтида бериш борасида, локал хужжатга кўра, сезиларли ишлар қилинган.

Ўз навбатида, касабаси уюшма қўмитаси раиси Улаш Воҳидовнинг ҳам ҳисоботи тингланди.

Қайд этилдики, ўтган йили 35 нафар ходимга моддий ёрдам ажратилган. Ходимларнинг 71 на-

фар фарзанди ёзги оромгоҳларда ҳордиқ чиқарган бўлса, 23 нафар хизматчи санаторийда соғломлаштирилди. Бундан ташқари, ҳар бир байрам муносабати билан эсдалик совғалари ажратилди, спорт мусобақалари ўтказилди. Тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштириш, маданий ҳордиқ чиқариш тадбирлари амалга оширилди. Шунингдек, ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясида касабаси уюшмалари фаол иштирок этди. Нohaқликка йўл қўйилмади.

Музокара чоғида сўзга чиққанлар жамоа шартномасига асосан ўзлари фойдаланган имтиёзлар ҳақида тўхталиб, пировардида, бир йиллик фаолиятга ижобий баҳо беришди.

Акмал АБДИЕВ «ISHONCH»



Сирдарё вилояти Саҳоват

ХАЙРЛИ ИШЛАР БАРДАВОМ

Сирдарёдаги «Муруват» интернат уйидаги аёлларнинг кўнгли осмон қадавр ўсди. Сабаби, уларни Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ўринбосари Бекзод Нариманов, сенатор Анвар Тўйчиев, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Сирдарё вилояти бошқармаси бошлиғи Адхам Байзаков ва Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши раиси Рустамбек Турсунмуродов йўқлаб бориб, Рамазон билан муборак-

бод этиб, совға-саломлар улашдилар. Дарвоқе, яқинда бу ерда янги бино фойдаланишга топширилди. Ўзгалар парваршига муҳтож опа-сингилларнинг яшаши, давлати ниши, дам олиши учун шарoитлар янада яхшиланди. 170 нафар ишчи-ходим уларга кўнғилдагидек тиббий-ижтимоий хизмат кўрсатмоқда.

Бу масқандан са-

ҳоватпеша инсонлар ва турли ташкилотлар вакилларининг қадами узилмайди, - дейди муассаса директори Дилшод Пайзиллаев. - Аёллар бундан ўзида йўқ хурсанд. Кўриб гувоҳи бўлиб турибмизки, меҳр бор жойдан қут-барақа аримас экан. Хайрли ишларнинг гўзал оқибатига ҳар куни гувоҳимиз.

Жамол АНДАҚУЛОВ

КОНИГИЛНИНГ МЎЪЖИЗАВОРЛИГИ СИРЛАРИ

Самарқанд баҳори Чўпонота қирлари ва унга туташ Кониғил кишлоғидан бошланади. Дунёда ўхшаш йўқ масқанлар кўп бўлса-да, улар орасида Кониғил ўзига хос ўринга ва нуфузга эғалиги билан ажралиб туради. Қишлоқни илон изидек чулғаб оқадиган Сиеб анҳорининг суви нақадар мусаффолигини ҳам ана шу заминда илғайсиз. Худуднинг тоза ҳавосини, ҳосилдор ерларини, хушманзара табиати ва меҳмондўст одамларини таърифлашга эса сўз тополмайсиз.

оқ қоғозларнинг умрбоқийлиги 40-50 йилгача етиши, биз тайёрлаётган маҳсулотларники эса 300-400 йилгача сақланиши мумкин. Шу боис бугунга келиб, қишлоғимиз дунёга машҳур гўшалардан бирига айланди.

Дарвоқе, экологик муаммолар тобора авж олаётганидан, атроф-муҳит янада ифлосланаётгани ва шовқин-сурон кўпаяётганидан безган киши бу қишлоқда бўлса, руҳияти ором олиб, соғлиғи яхшиланади. Бугун фабрика мақомига эга бўлган корхонада асосан чикитсиз ишлайдиган технологиялар мавжудлигини, қоғоздан кўғирчоқлар, қўйлақлар, сумкачалар ва бошқа эсдалик буюмлари тайёрланаётганини, уларнинг сифати сара матолар ёки чармдан ишлаб чиқарилган маҳсулотларникидан асло қолишмаслигини кўриб қувонасиз.

Корхонада кулоллар ва дурадгорлар фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Шунинг баробарида қадимий анъаналар асосида ясалган жувозлар билан танишиш, улар воситасида олинган экологик жиҳатдан тоза зиғир ёғидан ва маҳоратли пазандалар пиширган зиғир ёғли ошдан истеъмол қилиш имконияти яратилди.

Мен ўзимни мўъжизалар ўлкасида юргандек ҳис қиляпман, - дейди Беларусь Республикасидан келган Наталия Малахова. - Чунки бу ерда бўлгач, бир неча асрлар муқаддам сув тегирмонлари ҳамда чархпалақлар қай кўрнишида бўлганини, қоғоз қай усулда тайёрланганини билиб олдим. Зиғир ёғли паловни эса умримда илк бор татиб кўриб, мазасига ҳам, хушхўрлигига ҳам тан бердим. Насиб этса, бу масқанга яна келаман.

Дарвоқе, Кониғил «туризм кишлоғи» мақомига



эга бўлгач, унга ташриф бурувчи чет эллик сайёҳлар кўпайди. Шунга монанд равишда худудда «Кониғил мерос» хунармандчилик корхонаси томонидан меҳмонлар учун барча шарт-шaroитлар муҳайё этилди. Замонавий меҳмон уйлари, дам олиш масқанлари, пиёдалар йўлақлари, умумовқатланиш шoҳобчалари қурилди. Сайёҳлар табиат гўзалликларидан баҳра олишлари, Сиеб анҳори бўйлаб сайр қилишлари, Самарқанд нони ва миллий таомларимиздан татиб кўришлари учун зарур қулайликлар яратилди.

Ҳозир қишлоқда меҳмонлар учун Самарқанд нонларини тайёрлаш бўйича маҳорат дарслари ўтказиладиган нонвойхона ҳам ишлаб турибди. Хунармандчилик субъектлари ва дам олиш масқанлари сони эса элликтадан зиёд.

Биз Кониғилда Маданият, спорт ва туризм хо-

димлари касабаси уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Жўшқин Очиловни учратдик. Айтишича, у қишлоқда фаолият юритаётган хунармандлар билан тез-тез мулоқотда бўлиб туради, жумладан, «Кониғил мерос» билан яхши алоқа ўрнатган экан. Муҳими, ушбу жамоа аҳли ҳам, қишлоқ кишилари ҳам жамоат ташкилотининг мақсад-вазифаларини яхши билишар ва унга ишонилар экан.

Агар сиз ҳам Зариф Мухторов синғари беғубор қадбли инсонлар билан танишиш, табиат гўзалликларини ва мўъжизаларидан завқланиш истағида бўлсангиз, марҳамат, Кониғилга келинг!..

Нурйлла ШАМСИЕВ «ISHONCH»

дундаги муаммолар тобора авж олаётганидан, атроф-муҳит янада ифлосланаётгани ва шовқин-сурон кўпаяётганидан безган киши бу қишлоқда бўлса, руҳияти ором олиб, соғлиғи яхшиланади. Бугун фабрика мақомига эга бўлган корхонада асосан чикитсиз ишлайдиган технологиялар мавжудлигини, қоғоздан кўғирчоқлар, қўйлақлар, сумкачалар ва бошқа эсдалик буюмлари тайёрланаётганини, уларнинг сифати сара матолар ёки чармдан ишлаб чиқарилган маҳсулотларникидан асло қолишмаслигини кўриб қувонасиз.

Мен ўзимни мўъжизалар ўлкасида юргандек ҳис қиляпман, - дейди Беларусь Республикасидан келган Наталия Малахова. - Чунки бу ерда бўлгач, бир неча асрлар муқаддам сув тегирмонлари ҳамда чархпалақлар қай кўрнишида бўлганини, қоғоз қай усулда тайёрланганини билиб олдим. Зиғир ёғли паловни эса умримда илк бор татиб кўриб, мазасига ҳам, хушхўрлигига ҳам тан бердим. Насиб этса, бу масқанга яна келаман.

Дарвоқе, Кониғил «туризм кишлоғи» мақомига

Биз Кониғилда Маданият, спорт ва туризм хо-

Муносабат



Тасодиқлар ТАСОДИФМИ?

Ёхуд яна «Ўзавтосаноат» foyдасига ҳал бўлаётган натижа

Аввал: «Ўзавтосаноат» Жиззах шаҳрида Хитойнинг «BYD» компанияси электромобил ва гибрид автомобилларни ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошираётгани, лойиҳа қиймати 122,6 миллион АҚШ доллари бўлиб, шундан 4 миллион доллари «Ўзавтосаноат»нинг ўз маблағлари, 17,6 миллион доллари тўғриван-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳисобидан қопланиши белгилангани, бунинг натижасида 2023-2024 йилларда 50 минг дона «BYD» ишлаб чиқариш режалаштирилгани ҳақида хабар тарқалди.

Кўп ўтмай: «Ўзавтосаноат» АЖ ва «BYD Europe B.V.» ҳамкорлигида тuzилинган «BYD Uzbekistan Factory» компанияси Ўзбекистон ҳукуматидан электромобилларнинг тартибсиз импортини чеклашни сўради.

Мазкур илдоани «BYD» вакили Иван Пао куйидагича асослади:

«BYD» ҳар доим истеъмолчиларга йўналтирилган хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш таъжирбасига содиқ. Ҳозирги кунда Ўзбекистон бозорига норасмий каналлар орқали импорт қилинган кўпга BYD маркази автомобиллар мавжуд. Ушбу автомобилларни сотиш жараёнида маҳаллий иқлим ва аетроф-муҳитга мувофиқлиги текширилмаган. Автомобиллар импорти манбаининг мураккаблиги туфайли автомобиллар расмий экспорт стандартларига жавоб бераётган ҳолда эканини тасдиқлашнинг иложи йўқ. Айтим пайтда бозорда истеъмолчиларни алдаш ва чалғитиш мақсадида ноқонуний равишда кўпга ўзини расмий дилер деб таништириётган ва BYD товар белгиларини реклама учун ишлатётганлар мавжуд, бу BYD бренди обрўсига катта таъсир кўрсатди.

Кафолат йўқлиги ва техник хизмат кўрсатишнинг профессионал эмаслиги сабабли ушбу автомобиллар истеъмолчилар томонидан узоқ муддат фойдаланиш учун муайян яширин хавфларни ҳам келтириб чиқаради, бу «BYD»нинг истеъмолчилар учун жавобгар бўлиш фалсафасига зиддир.

Шундан сўнг: Президент 18 март куни имзолаган «Ўзбекистон Республикасида электромобил ва гибрид автомобиллар ҳамда уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқариш ташкил этиш инвестиция лойиҳасини амалга ошириш тўғрисидаги инвестиция шартномасини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорда 2024 йил 1 июлгача масъул вазирилик ва идораларга компания сўровини бажариш юзасидан таклифлар бериш топширилди. Бу орқали хусусий тадбиркорлар ва бошқа норасмий дилерларнинг автомобилларни импорт қилишига чеклов ўрнатилиши мумкин.

Бугун: Масъул вазирилик ва идоралар 1 июлни кутиб ўтиришмади чоғи, ижтимоий тармоқларда хусусий автосалонлар учун «счет-справка» ёпилаётгани ҳақида хабарлар тарқалмоқда.

Демак, ҳукуматнинг тегишли топшириғи билан 2024 йил 1 апрелдан бошлаб автомобиллар бўйича мувофиқлик сертификати кимнинг номига берилган бўлса, ўша шахс номига расмийлаштирилади.

Миш-мишларга қараганда, божхона омбори режимидаги товарни бошқа шахсга ўтказиш нормасини автотранспорт воситаларига нисбатан татбиқ этмаслик бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш тўғрисида ҳукуматга таклиф киритиш топшириғи ҳам берилибди.

Агар шундай бўлса, жисмоний шахслар номига расмийлаштирилган машина ўша шахснинг ўзигагина «растаможка» қилиб берилди ва у машинани фақат иккиламчи бозор шарти бўйича сотиши мумкин бўлади.

Илгари хусусий автосалонлар электромобилларни Хитойдан жисмоний шахс номига сотиб олиб, Тошкентдаги автосалон номига расмийлаштириб ва «счет-справка» (хисоб-маълумотнома) билан ҳақиқий автосалон талаблари билан сотишарди.


Буни қарангки, юқоридаги барча ҳолатларнинг бир учи «Ўзавтосаноат»га бориб тақалляпти. Ҳўш, бу ишлар шунчаки тасодиғми ёки олдиндан ишлаб чиқилган пухта режими?

Турган гапки, ўтда ёнмас, сувда чўкмас, бошида ой кўринган «Ўзавтосаноат» бу ишларга мутлақо алоқаси йўқлигини айтади. Ҳар ҳолда, улар кўпдан буён «ҳамиша, ҳар қандай вазиятга соғлом рақобатга тайёрлиги, монополияга қаршилиги» ҳақида баёнот бериб келмоқда. «Ўзавтосаноат»ни «монополь» деб тиш қайраётганлар эса шунчаки уларнинг ютуқларини кўришмайпти, холос. Аслида улар рақобатдан қўрқадди. Юқоридаги ҳолатлар бунни яққол исботлаб турибди.

Ҳуллас, токи JM машиналарига харидор бўлишда, бўлганда ҳам бир-биримизни уриб-тепиб, шартнома олишда давом этарканмиз (бундан бошқа чора ҳам, танлов ҳам йўқ, дейишга ҳақкингиз борди), бу ҳолатлар шу билан тугамайди. Зотан, бозор қонуниятларига кўра, талабга яраша таклиф бўлади.

Хулоса: Юқоридаги ҳолатлардан шубҳаларимиз кўп. Авваламбор, чётда ишлаб чиқарилаётган BYDлар сифати қайси мезонлар асосида текширилган? Иккинчидан, ҳозирча биздан бошқа давлатларда эътироз билдирилмаётган BYD бренди остида чиқётган автомобиллар фақат бизнинг иқлимимизга тўғри келмайпти, холос. Қани бунда мантқиқ? Яна бир масала. Хўп, энди BYD маҳаллийлашса, ўша-ўша ишлаб чиқарувчилардан эҳтиёт қисмларни сотиб олиниши турдан гап. Ҳар ҳолда, ўзимизда ишлаб чиқарилмайди. Ҳуллас, BYD ўзимизда ишчилса, маҳаллий иқлим ва аетроф-муҳитга мувофиқ бўлиб қолиши ҳақидаги чўпчанка «Ўзавтосаноат»дан бошқа ҳеч ким ишонмаса керак.

Ғулумжон МИРАХМЕДОВ
«ISHONCH»



ТУНДА ҚЎШНИЛАРНИНГ ТИНЧНИ БУЗГАНГА ҚАНДАЙ ЧОРА БОР?

САВОЛ: Кечаси соат уч-тўртларга қадар магнитофондан хоризжий эстрада қўшиқларини баланд овозда қўйиб, барчанинг тинчини бузган қўшнига қандай қонуний чора бор?

Шухрат БОБОЕВ

Сирдарё вилояти

ЖАВОБ: Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 192-моддасида маиший шовкинга қарши кураш талабларини бузганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Хусусан, тунги вақтда - соат 23.00 дан 06.00 гача - фуқароларнинг осойишталиги ва нормал давом олишини бузиш, яъни баланд овоз билан қўшиқ айтиш, муסיқа чалиш, товуш сигналлари бериш, хонадонларда, тураржойларнинг йўлаклар ва эшикларда, кўчаларда овози баландлатиб қўйилган телевизорлар, радиоприймниклар, магнитофонлар ва овоз чиқарувчи бошқа аппаратуралардан фойдаланиш, тураржой биноларида ва улардан ташқарида зарурати бўлмаган ҳолда шовкин чиқарувчи ишлар қилиш, шунингдек, маиший шовкинга қарши кураш талабларини бузувчи бошқа ҳаракатларни содир этиш фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг учдан бир қисми, мансабдор шахсларга эса учдан бир қисмидан иккидан бир қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланганидан кейин бир йил давомида тақордан содир этилса, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг иккидан бир қисми миқдорда, мансабдор шахсларга эса иккидан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖАРАЁНИДА ШИКАСТ ЕТГАНДА...

САВОЛ: Қорхонада ходимга ишлаб чиқариш жараёнида шикаст этиши ва шу билан боғлиқ меҳнат низоми юзага келганда қасба уюшмалари инспекторлари масалага аралаш оладими?

Равшан РАҲМАТОВ

Бухоро шаҳри

ЖАВОБ: «Қасба уюшмалари тўғрисида»ги қонунга мувофиқ қасба уюшмалари инспекторлари ўз фаолиятини амалга оширишда муайян ҳуқуқларга эга. Хусусан, давлат органлари, ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслардан, иш берувчилардан, уларнинг бирлашмалари (иттифоқлари, уюшмалари)дан ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маълумотнома ва ҳужжатлар, статистик маълумотларни ҳамда бошқа ахборотни сўраш ва бепул олишлари мумкин.

Қасба уюшмалари инспекторлари судлари ва меҳнат низолилари кўриб чиқиладиган бошқа органларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз ташаббусига кўра ёхуд ходимларнинг илтимосига биноан, вакил сифатида иштирок этишларига йўл қўйилади.

Шунингдек, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида ҳамда қасба уюшмаси аъзоларининг муурожаатлари асосида ташкилотларга, иш жойларига бориши мумкин.

Булардан ташқари, қасба уюшмалари инспекторлари ходимларнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодинсалар ва уларнинг соғлиғига бошқа бир тарзда шикаст етганлигини ҳамда қасб қасаликларини текширишда белгиланган тартибда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Абдулла Орипов бир вақтлар «Эҳтиёж фарзанди» деган иборани қўлаганди. Бу жумла замирида улкан маъно мавжуд бўлиб, у орқали қанча маъно аёнлашилганди.

Ҳа, инсон ва умуман башарият эришган ҳар қандай катта-кичик муваффақиятлар замирида катта эҳтиёж ётади. Эҳтиёж мақсадни, мақсад ҳаракатни, ҳаракат эса натижани пайдо қилади.

Мамлакатимизда таълимни янги босқичга кўтариш учун анча ишлар қилинди ва бу борадаги ҳаракатлар давом этапти. Мактаблар бинолари таъмирланиб, замон талабларига мослантиди. Янгилари қурилади, қурилмоқда. Президент мактаблари, ихтисослашган мактаблар, хусусий мактаблар фаолиятига



Мулоҳаза

ТАЪЛИМ ТАЛАБ ЭТАЁТГАН ЭҲТИЁЖЛАР

Биз уларни қанчалик англаб етмоқдамиз?

асос солинди. Олий таълим муассасалари кўпайди. Хорижий ва хусусий институтлар мавжуд. Олий таълимга қабул миқдори ошди.

Энди эса сифат ўзгаришларига эҳтиёж бор.

Тараққиёт тезлашди, лекин тафаккур доирамиз тарайиб, даражаси пасайгани ҳам кузатилмоқда. Маънавий-маърифий қашоқлашув юз кўрсатаяпти. Аксарият кишиларда олий маълумот (аниқроғи, диплом) олиш истаги бор, бироқ чуқур ўқиш-ўрганиш, малакали мутахассис бўлишга эҳтиёж камроқ, шекилли.

«Қобуснома» қарийб минг йилдан бери мавжуд. Алишер Навоийнинг «Маҳбуб-ул қулуб» асари ёзилганига беш юз йилдан ошди. Ҳанузгача бу китоблардаги таълим-тарбияга оид фикрлар, ғоялар ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Улуғларимиз фикрларига таянмаган бўлсак, бошланғич таълим (мактабгача таълим ва бошланғич синф таълими) асосан уч йўналишда олиб борилади. Булар - шарқона одоб-ахлоқ, саломатлик сабоғи ва саводхонлик. Шарқона одобда болаларда саломлашиш, ўзини ва бошқаларни ҳурмат қилиш, даврада ва жамоат жойларида ўзини тутиш, маданиятни мулоқот (ўз фикрини одоб билан баён қилиш, нуқтаи назарини ҳимоя қилиш) каби ҳислатларни шакллантириш назарда тутилди.

Болаларга саломатлик сабоқларини сингдириш жуда муҳим. Ҳар ким гўдақлигидан қана аъзоларини тоза тутишни, тўғри овқатланиш, тўғри дам олиш, тўғри ҳаракат қилиш, тўғри ишлаш ва хатто тўғри фикрлашни ўрганиши шарт. Мабо, нобоп ҳаракат ёки нотўғри овқатлаш оқибатида хасталик пайдо бўлса, кишининг кўзига на иш, на ўқиш кўринади.

Ишга ҳақам, ҳафсала ҳам йўқолади. Кишида тушқунлик пайдо бўлади. Дарвоқе, тушқунлик инсон руҳиятига, ишчанлигига жуда катта салбий таъсир қилади. Шу боис ҳар бир киши ўз саломатлигини сақлаш сирларини билгани маълум. «Соғ танда - соғлом ақл» деган нақлнинг моҳияти худди шу нуктада очилади.

Саводхонлик масаласини шарҳлаш шарт эмас. Фақат шунга айтиш керакки, саводхонлик инсоннинг камолот йўлида қўядиган муҳим қадамдир. Кейинги ҳаракатлар мақсад ва эҳтиёжга бевоҳит бағлиқ бўлади. Билимга эҳтиёжманд киши фикрлаш қобилиятини юксалтира бориб, фан(билим)ларни осон ўзлаштиради.

Мактабларнинг ўрта (яъни 5-8) синфларида болалар умумтаълим фанларининг асосларини ўрганишлари, теран тушуниб олишлари керак. Худди шу қадр (11-15 ёш) орғалида боланинг кизиқлиги, лаёқати, қобилияти намоён бўла боради. Тўғри, бу ёшда бола ҳар соҳага қизиқувчан бўлади. Ота-оналар ва ўқитувчиларнинг вазифаси болалардаги қобилиятнинг энг устувор жиҳатларини аниқлаб, уни ривожланиши томон йўналтиришдан иборат.

Юқори синфларда эса, ўқувчинини қасбга йўналтириш мақсадида аниқ ва табиий фанлар, амалий ва ижтимоий фанлардан бири чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфлар ташкил этилса, маълум бўлади. Дейлик, табиий ва аниқ фанлар чуқурлаштирилиб ўқитиладиган синфда бошқа фанлардан дарс соатлари биров қамайтирилади. Агар шундай йўл тутилса, «танланган синф»даги болалар сони (яъни белгиланган мезъдан камлиги) фанлар бўйича янги синф очили-

шига тўсиқ бўлмаслиги керак. Қайси дил йўналиш бўйича ўқувчилар йиғилмаса, бундан муаммо ясамаслик лозим. Бир фан йўналишига қизиққан ўқувчиларнинг битта синфга жамлангани таълим самарадорлигини сўзсиз оширади.

Муайян миқдордаги тўлов эвазига қўшимча машғуллар ўтадиган репетитор ва мактаб муаллими дарсидаги фарқ шундаки, репетиторга фанга қизиққан, ўқини истаги бор, ота-оналар назоратидаги болалар боради ва машғулот вақти чегараланмаган. Репетитор лаёқатсиз болани ўқитишдан бош тортиши, фанни ўзлаштирмайдиган ўқувчидан исталган вақтда воз кечиши мумкин. Ҳеч қанака жавобгарлиги йўқ.

Мактабда даражаси, қизиқиши турли бўлган болалар бир синфда ўтиради. Фанга, мавзуга қизиқмаган бола дарсда фақат халақит беради. «Ўқитувчи болада фанга қизиқиш ўйғотиши керак!» деган тушунча нотўғри. Чунки ўқувчида қизиқиш бошлангич ва ўрта синфларда шаклланади. Юқори синфларга ўтганда эса, бу борада ўзгариш қилишга анча кеч бўлади.

Мактабларнинг таълим самарадорлиги даражасини битирувчиларнинг олий таълим муассасаларига ўқишга кириш кўрсаткичига боғлаб қўйиш ҳам унчалик тўғри эмас. Чунки умумий ўрта таълим тизимининг вазифаси олий таълим муассасаларининг қабул режасини бажаришга кўмаклашиш эмас. Мактаб, энг аввало, болаларни ҳаётга тайёрлаши керак.

Маълумки, билим берилмайди, билим олинади. «У ҳолда муаллимнинг вазифаси нима?» деган савол туғилиши мумкин. Муаллим фанлар бўйича мавзулар ва фан тадқиқ қиладиган масала-

лар хусусида тушунча беради, холос. Шу ўринда бир нечта жайдари мисол келтирмаган. Бизда бир хил ўлчамдаги (ёки бир хил ҳажмдаги) қоғоз, мато, ёғоч, ғишт ва тош бор. Уларнинг ҳажмасини бирварақайига тоғорадаги сувга соламиз. Маълум вақт ўтгач, улардан қайси бири қанча сувни ўзига шимиб олганини текшириб кўрамиз. Натижа қандай бўлишини ўзингиз яхши билиб турибсиз.

Айтайлик, ошхонага кирдингиз. Таомномада ўнлаб овқатлар ёзилган. Уларнинг орасидан ўзингизга маъқулни танлайсиз. Билим олиш (мактабда ўқиш) ҳам шунга ўхшайди. Билим - ҳам ақлий, ҳам маърифий озуқа! Уни эҳтиёжи борлар ўзлаштиради.

Назаримда, таълим тизимидagi муаммолар ечимига биров бошқачароқ ёндашиш керак, шекилли. Ҳаммининг ҳамма нарсаси эҳтиёжи бўлади. Бу эҳтиёжлар учра: табиий, моддий ва маънавий. Айнан шу тартибда! Агар буларнинг ўрни алмашса, қонуният бузилади. Ҳар қандай тирик жон каби одам боласа ҳам туғилиб, озиқланиши керак. Бу - табиий эҳтиёж.

Сўнгра унга йўрғак, либос... зарур бўлади. Бу эса, моддий эҳтиёжларнинг бошлангани, яъни дебоҳасидир. Атроф-борлиқни таниш ва англаш учун муайян билим, ўзи яшайдиган жамятга мослашиш учун амалдаги тартиб-қоидаларни, ахлоқ меъёрларини, маънавий мезонларини ўзлаштириш зарур. Бу - маънавий эҳтиёж.

Афсуски, фақат табиий ва моддий эҳтиёжларни қондириш ва бундан ҳузурланиш ҳозир кўпчилиқнинг ҳаёти мазмунига айланиб қолгандек. Кўпчилиқ учун маънавий-маърифий эҳтиёжларини қўламы кичрайиб, аҳамияти қамайиб бормоқда.

Қачонки, маънавий-маърифий етуқликка эришиш ҳар бир киши ва бутун жамят учун қулиқ эҳтиёжга айлansa, таълим самарадорлиги ошади, орифлар кадр топади. Отто фон Бисмарк «Болани турнинг атрафидаги нарса ва ҳодисалар тарбиялайди» деган экан. Бугун ахборот хуружи беҳад кучайган замонда бу фикрнинг салмоғи янада ортади.

Ҳуллас, таълим масаласи мамлакат ва халқнинг келажак манфаатларига боғлиқ масала. Бу жараёндаги эҳтиёжларни тўғри ва ўз вақтида англаш, биз қўзланган мақсадга тезроқ еришга оламиз.

Рустам ҚУРБОНОВ



Фаргона вилояти Эзгулик

«МУРУВВАТ УЙИ» НУРГА ТЎЛДИ

Шукрки, ҳар бир кунимиз эзгулик ва саховатга тўла. Айниқса, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган, кўмакка муҳтож инсонлар ҳолидан хабар олишга не етсин!

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Фаргона вилояти кенгаши Қўқон шаҳридаги «Мурувват» уйда яшовчилар ҳолидан хабар олиш асноси буни яна бир қарра ич-ичидан ҳис қилишди.

Ушбу хайрли ишларнинг бошида турган жамоат ташкилотига мингдан-минг раҳмат. Совға-саломлари билан интернет уйда яшовчиларнинг дилларини чароғон этиб кетишди, – дейди муассаса раҳбари Баҳромжон Жумабобоев.

Расулжон РАХИМОВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Фаргона вилояти кенгаши раиси

Мутолаа

ЖАННАТ ҚИДИРГАНЛАР...

Жорий йилда Андижон вилоятининг шаҳар ва туманларида умумий майдони 37,7 гектарни ташкил этувчи 16 та боз барпо этилади. Улар оилаларда фарзанд туғилганда унинг номига тамғаланган ҳолда дароҳт кўчатлари экишга мўлжалланган «Янги авлод» боғлари деб аталади. Шунингдек, Андижон, Олтинкўл туманлари ҳамда Хонобод шаҳрида узунлиги 22,5 километрдан иборат «Яшил белбоғ»лар ташкил қилинади.



Бу ҳақда шу йил 25 март куни Андижон вилояти ҳокимининг тегишли қарори қабул қилинди. Бу режаларнинг рўёбга чиқиши «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида белги-ланган 100 мақсаднинг бири – экологик вази-ятни барқарорлашти-ришга қаратилган «Яшил макон» умум-миллий лойиҳасини кенгайтириш билан боғлиқ вазифалар-нинг ижросига муно-сиб жавоб деган умид бор.

Сирасини айт-ганда, ғоя ҳам, режа ҳам жуда ўринли. Зо-тан, бугун энг дол-зарб масалалардан бирига айланган барқарор экологик муҳит яратишнинг асосий йўналишлари-дан бири яшил майдонларни кенгайтиришга боғлиқ. Қолаверса, айти пайтага қадар ҳам ҳар баҳор ва кузда жойларда кўчат экиш ак-циялари ўтказилайти. Очиқ манбаларда юз минглаб, миллионлаб ниҳоллар ўтқазилгани ҳақидаги маълумотлар кўзга ташланади.

Бироқ вазиятнинг умумий таҳлили ўзгача хулосаларга ундайки, Андижон вилоятида салкам ўн йилдан буюн яшил худудларни ке-нгайтиришда, шаҳар ва туманларда катта-ки-чик кўчаларнинг икки четига кўчат экишда ранг-баранглик ва хилма-хилликка деярли эътибор қаратилмапти. Бу борада ота-бобо-лар яратган тажрибаларга суяниш ўрнига, маҳаллий иқлим шароитига мослиги тўлиқ ўрганилмаган, синовдан ўтмаган янгиликлар оммавий равишда қўлланилмоқда.

Андижонликлар яхши эслашади: 2014 йили ҳориждан ҳар бир донаси салкам 1 мил-лион 800 минг сўмга тенг бўлган 2 минг туп лота дароҳт олиб келиниб, вилоят мар-казининг чинорлари кесилиб «чўл»га айлан-тирилган Навоий шохқўчаси ҳамда бошқа бир қатор кўчаларга экиб чиқилди. Бу ҳақда, ҳатто, айрим йирик нашрларда «Андижон тажрибаси» дея бонг урилди. Бироқ маҳал-лий ҳокимлик топшириғига қўра, мутахассис-лар ва ободонлаштириш бошқармаси ходим-ларининг ҳар бир кўчат атрофида эртаю кеч парвона бўлишлари ҳам қор қилмади – дароҳ-тлар илди экиб, кўкармади ҳисоби. Мана, орадан ўн йил ўтди, бироқ худудда «шаҳарни бўстону гулистонга айлантириб юборади» ка-билида қайта-қайта мақталган лота дароҳ-тларидан яшаб қолганларини санаб чиқишга беш бармоқ ортиб қолади.

Бугун Андижон шаҳрида кейинги йил-ларда экилиб парваришланаётган дов-дароҳ-тларга эътибор қилсангиз, биринчи гада пав-ловния ҳамда арча кўчатларига нигоҳингиз тушади. Хусусан, баҳорда павловниянинг чи-ройли гуллари кўзни қувнатса, ундан тара-лаётган ажиб хид кишининг баҳри дилини очади. Қолаверса, бу турдаги дароҳтлар тез ўсувчанлиги билан худуддаги «чўллашиш» муаммосини андак баргараф этгандай бўлди. Шунинг учун ҳам ҳар кўчат экиш мавсумида масъулларда павловнияга интилиш кучайди, йўл бўйларига, турли майдонларга эса, арча экиш авж олди.

Асар бош қаҳрамони Ўзғамжон шукр қилишни билмайдиган, одамлар билан фақат фойда ёки зарарига қараб муомала қиладиган амалпараст муҳандис. Чет эл-лик ҳамқасбининг ҳаётига уйғонган ҳа-васидан гулддек оиласи, шинамгина уйи ҳам кўзига қўринмайди. Ҳаммасидан воз кечиб, не-не орзулар билан хорижга кет-ган Ўзғам ҳар ернинг ўз ташу тарозиси борлигини кеч англайди. Қўрган-бил-ганлари, сиёсату иқтисодиёт ҳақида бор маълумотларни «сотиб» бўлгач, инже-нер ажнабий «дўстлари» учун кераксиз бир кимсага айланади-қолади.

Ватанфурушининг тақдир ачинарли кечади. У етти ёт бегона юрт кўчаларида ўй-сиз, хору зор бўлиши етмагандек, но-гирон ҳам бўлиб қолиши... Албатта, буни ҳатто душманга ҳам раво қўриб бўл-майди.

Асардаги Умматали образи оилапар-варлиги, ҳаёт синоварига чидамлиги билан Ўзғамнинг феълига тамоман тек-сари. Мутолаага киришган чоғингизда, қалби пок, тўғри сўзли Умматалидек ин-соннинг бошидан ўтган қийинчилик-ларни, хиёнатга йўлиқиши, чорасизли-гини ўқиб, «Нега фақат яхшилар бу ҳа-ётда азоб тортади-ю, ёмонга бало ҳам урмайди?» деб ўйлашингиз мумкин.

Тўғри, инсоният яралибдики, эзгулик ва ёвузлик, ватанпарварлик ва сотқинлик ўртасидаги кураш тугаган эмас. Бу ку-рашда гоҳида ёвузликнинг қўли баланд келса-да, аслида у хато эканлиги вақтлар ўтиб аниқ бўлади.

Азиза ШОДМОНОВА
ЎЗДЖТУ талабаси



ЭКИЛГАНИ ЭМАС, КЎКАРГАНИ ҲИСОБ

«Яшил белбоғ»ларни парваришlash масаласи ҳам бугунги куннинг долзарб вазифасига айланиши даркор

Бироқ боя таъкидлангани каби яшил худуд дегани фақатгина арча ёки павловниядан иборат эмас-да.

Андижон шаҳридаги узунлиги 3 кило-метрга яқин бўлган Университет кўчасининг икки четига юзлаб мажнунтоллар бундан 15 йиллар аввал ҳам саф тартиб турган аскар каби чиройли манзара касб этарди. Ўтган вақт ичида дароҳтхшлар мажнунтолларга киргин келтиришди. Айтишларича, қарийб барчаси бешик яшовчи усталарга пулланган. Бугун шу кўчадан бик ўтиб кўринг: дароҳ-тлар асосан яқкам-дуккам арчалардан иборат, аввалги файзли манзарадан асар йўқ.

Вилоят марказидаги Ал-Бухорий номидаги маҳаллада истиқо-мат қилувчи меҳнат фаҳрийси, табиа-т шайдоси Маҳмуджон ота Ҳожиматов 2009-2010 йилларда Анди-жон шаҳри Навоий шохқўчасининг бир тарафи – вилоят хо-кимлиги биноси ол-дидан солиб «Лола» кўғирчоқ театригача бўлган ораликда нақд 970 туп чинор дароҳ-тини санаб чиққа-нини бот-бот таъкид-лайди. Чиндан ҳам, ўша 2010 йилларга қадар ёзининг жазирасида ҳам ушбу кў-чанин икки четига тангадай кўбш тушмас, пиёдалар йўлакчасидан яёв юрган одамлар-нинг соя-салқинда тани яйрар эди. Ҳозир-чи? Саратонда автоуловингизни йўл бўйига 15 дақиқага қолдириб кетинг-а, нақ ҳаммом буг-хонасининг ўзига айланади-қолади. Чунки жамоатчилик, айниқса, катта авлод вакил-лари тез-тез эслаб тилга оладиган чинор-лар аллақачон кесилиб кетган – ўрнида пав-ловния, арча ва яна узунлиги одам бўйига етар-етмас турли буталар ўсяпти, холос.

Яшил майдонларни кенгайтиришда кў-чат етиштиришнинг аҳамияти катта. Аф-тидан, бугунга ке-либ вилоятда камёб бўлиб бораётган да-роҳтлар кўчатларини тайёрлайдиган идо-ралар мутахассис-лари ҳам қўлни ювиб, қўлтиққа уришган. Чунки худудда баҳор-кўз мавсумида чи-нор, мажнунтол, қайрағоч каби но-ёблашиб бораётган дароҳтларни экишга эътибор қаратилма-пти.

Бир неча йил ил-гари худуд манза-расига бефарқ бўл-маган ва Андижон шаҳрида ўзига хос ландшафт яратишга баҳоли қудрат ҳисса қў-лиши пайида юрган ўрмончилик йўналиши-даги фермер хўжалиги раҳбари Сайдилло Те-миров яхши тақлифни ўртага ташлаган эди. Ҳақиқат, шаҳарнинг кичикроқ тўрт-бешта кўча-сини танлаб, ҳар бирининг икки четига ай-нан бир турдаги дароҳтлар экиш ва мутахас-сислар иштирокида жиддий парвариш қи-лиш масаласи кун тартибига қўйилган эди. Тасаввур қилинг, бир кўчанин икки тарафи тўла мажнунтол, яна бирида қайрағоч. Бош-қаси эса каштанзор кўчаси...

Бироқ худудда яшаш даври капалак умрига тенг бўлган ва қайта-қайта экилаве-

райдиган, саногини ҳеч ким билмайдиган гул-ларга беҳисоб маблаглар ажратилапти-ю, негадир юқоридаги каби ғоялар қўллаб-қув-ватланмаяпти.

Шу ўринда яна бир гап. Айни кунларда яқин келажақда 400 мингдан зиёд аҳоли истиқо-мат қилиши режалаштирилаётган ҳамда шиддат билан барпо этиладиган Янги Ан-дижон шаҳарчаси адириқларида урхо-ур, сурхо-сур билан кўчат экиш акциялари да-вом этмоқда. Бу яхши, албатта. Бироқ ўт-ган йили худди шу кезларда экилган кўчат-ларнинг неча фоизи кўкарди, қанчаси қуриб қолди, деган саволга жавоб берадиган пайт келгандай. Чунки қаровсизлик ор-тидан ўтган мавсумда ўтқазилган кўчатлар-нинг аксар қисми аллақач-қуриб-қажшаб бўлган.

Радиода энг режали ва ўзига яраша натижа-ларга эга бўлган тумандаги чинор етишти-ришга эътибор шу қадар суст бўлса, бошқа худудлардан нимани кутиш мумкин?

Шундай экан, юқоридаги фикримизни яна тақрор айтишга тўғри келмоқда: экилгани эмас, кўкаргани ҳисоб.

Биз шу тамойилга амал қилмас эканми-з, эзгу ташаббусларимиз эккан кўчатларимиз каби куртак очмай қуриб кетиши мумкин. Сиз нима дедингиз, азиз замондош?

Буни неча йил ил-гари худуд манза-расига бефарқ бўл-маган ва Андижон шаҳрида ўзига хос ландшафт яратишга баҳоли қудрат ҳисса қў-лиши пайида юрган ўрмончилик йўналиши-даги фермер хўжалиги раҳбари Сайдилло Те-миров яхши тақлифни ўртага ташлаган эди. Ҳақиқат, шаҳарнинг кичикроқ тўрт-бешта кўча-сини танлаб, ҳар бирининг икки четига ай-нан бир турдаги дароҳтлар экиш ва мутахас-сислар иштирокида жиддий парвариш қи-лиш масаласи кун тартибига қўйилган эди. Тасаввур қилинг, бир кўчанин икки тарафи тўла мажнунтол, яна бирида қайрағоч. Бош-қаси эса каштанзор кўчаси...

Бироқ худудда яшаш даври капалак умрига тенг бўлган ва қайта-қайта экилаве-

радида энг режали ва ўзига яраша натижа-ларга эга бўлган тумандаги чинор етишти-ришга эътибор шу қадар суст бўлса, бошқа худудлардан нимани кутиш мумкин?

Шундай экан, юқоридаги фикримизни яна тақрор айтишга тўғри келмоқда: экилгани эмас, кўкаргани ҳисоб.

Биз шу тамойилга амал қилмас эканми-з, эзгу ташаббусларимиз эккан кўчатларимиз каби куртак очмай қуриб кетиши мумкин. Сиз нима дедингиз, азиз замондош?

Радиода энг режали ва ўзига яраша натижа-ларга эга бўлган тумандаги чинор етишти-ришга эътибор шу қадар суст бўлса, бошқа худудлардан нимани кутиш мумкин?

Шундай экан, юқоридаги фикримизни яна тақрор айтишга тўғри келмоқда: экилгани эмас, кўкаргани ҳисоб.

Биз шу тамойилга амал қилмас эканми-з, эзгу ташаббусларимиз эккан кўчатларимиз каби куртак очмай қуриб кетиши мумкин. Сиз нима дедингиз, азиз замондош?

Радиода энг режали ва ўзига яраша натижа-ларга эга бўлган тумандаги чинор етишти-ришга эътибор шу қадар суст бўлса, бошқа худудлардан нимани кутиш мумкин?

Шундай экан, юқоридаги фикримизни яна тақрор айтишга тўғри келмоқда: экилгани эмас, кўкаргани ҳисоб.

Биз шу тамойилга амал қилмас эканми-з, эзгу ташаббусларимиз эккан кўчатларимиз каби куртак очмай қуриб кетиши мумкин. Сиз нима дедингиз, азиз замондош?

Радиода энг режали ва ўзига яраша натижа-ларга эга бўлган тумандаги чинор етишти-ришга эътибор шу қадар суст бўлса, бошқа худудлардан нимани кутиш мумкин?

Шундай экан, юқоридаги фикримизни яна тақрор айтишга тўғри келмоқда: экилгани эмас, кўкаргани ҳисоб.

Биз шу тамойилга амал қилмас эканми-з, эзгу ташаббусларимиз эккан кўчатларимиз каби куртак очмай қуриб кетиши мумкин. Сиз нима дедингиз, азиз замондош?

Буни неча йил ил-гари худуд манза-расига бефарқ бўл-маган ва Андижон шаҳрида ўзига хос ландшафт яратишга баҳоли қудрат ҳисса қў-лиши пайида юрган ўрмончилик йўналиши-даги фермер хўжалиги раҳбари Сайдилло Те-миров яхши тақлифни ўртага ташлаган эди. Ҳақиқат, шаҳарнинг кичикроқ тўрт-бешта кўча-сини танлаб, ҳар бирининг икки четига ай-нан бир турдаги дароҳтлар экиш ва мутахас-сислар иштирокида жиддий парвариш қи-лиш масаласи кун тартибига қўйилган эди. Тасаввур қилинг, бир кўчанин икки тарафи тўла мажнунтол, яна бирида қайрағоч. Бош-қаси эса каштанзор кўчаси...

Бироқ худудда яшаш даври капалак умрига тенг бўлган ва қайта-қайта экилаве-

Нурилло НҲЪМОНОВ
«ISHONCH»

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi

2007-yil
11-yanvarda
O'zbekiston
Matbuot va axborot
agentligida 116-raqam
bilan ro'yatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Doverie» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV (tahrir hay'ati raisi),
Ulug'bek JALMENOVI,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfulla AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G'OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – ishonch),
Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – ishonch-Doverie.)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Ani'ondiy viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 080-93-38
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-99) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg'onaviy viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir:
A. Haydarov

Mudohibin:
D. Sudaybahanova

Sahifalovchi:
H. Abdullajilov

Boshiga topshirish vaqti – 00:20
Topshirildi – 00:40

Bahosi kelishilgan narxda

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlarini chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Umumiy adadi 35 139 ta Shundan:
7404 nusxasi
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;

19 249 nusxasi
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;
8486 nusxasi
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq. Buyurtma G-411
1 2 3 4 5 6